SCIENCE HUB REVIEW
2026
Volume 1
Issue 2
www.sciencehubreview.uz
ILMIY ELEKTRON JURNAL

АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ СУҒУРТАЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Ўсмонжонов Мухаммадисхоқ Ўткирбек ўғли

University of economics and pedagogy katta o'qituvchisi
ORCID: 0009-0004-7005-7202

Аннотация
Жаҳон ва миллий иқтисодиётда аграр тармоқни модернизация қилиш ва замонавий бозор механизмларини жорий этиш жараёнида агрокластерлар муҳим ўрин эгалламоқда. Табиий-иқлим шароитларига бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш жараёнлари юқори даражадаги хавф-хатарлар (катаклизмлар, хусусан, қурғоқчилик, совуқ уриши, зараркунандалар тарқалиши ва бозор нархларининг тебраниши) билан тавсифланади. Шу сабабли, агрокластерлар фаолиятида молиявий барқарорликни таъминлаш ва аграр хавф-хатарларни минималлаштиришда суғурта тизимининг роли беқиёсдир. Бироқ, агрокластерларни суғурталовчи ташкилотларнинг ўзи ҳам юқори молиявий мажбуриятлар ва таваккалчиликлар остида фаолият юритади. Бу эса ушбу суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини мунтазам равишда чуқур таҳлил қилиш, уларнинг тўловга қобилияти, ликвидлилиги ва капитал даражасини тўғри баҳолаш вазифасини долзарб илмий-амалий муаммо сифатида кун тартибига қўяди.

Калит сўзлар
Агрокластер, қишлоқ хўжалиги суғуртаси, суғурта ташкилоти, молиявий ҳолат, тўловга қобилиятлилик, ликвидлилик, молиявий барқарорлик, суғурта заҳиралари, рискларни бошқариш, қайта суғурталаш.

Кириш

Ўзбекистон шароитида агрокластерлар фаолиятини суғурталовчи ташкилотларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш ўзига хос иқтисодий ҳамда ҳуқуқий хусусиятларга эга. Республикамизда суғурта бозори Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (НАПП) томонидан тартибга солинади ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига қўйиладиган талаблар йил сайин қатъийлаштирилмоқда (хусусан, устав капитали ва мажбуриятлар нисбати бўйича). Ўзбекистондаги реал амалиёт ва молиявий ҳисоботлар таҳлилидан келиб

чиқиб, бундай ташкилотлар фаолиятини баҳолаш методологиясини қуйидаги тизимли босқичлар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг норматив – ҳуқуқий асоси. Таҳлилни бошлашдан аввал, компаниянинг миллий қонунчилик талабларига мослигини текшириш зарур. NAPP.uz талабларига кўра, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлиги қуйидаги меъёрлар билан тартибга солинади:

a) Устав фондининг энг кам миқдори. Тармоқлар бўйича умумий суғурта фаолияти учун белгиланган минимал даражага мувофиқлиги.

b) Тўлов қобилияти маркаси (Solvency Margin). Компаниянинг ҳақиқий устав капитали ва захиралари йиғиндиси, у ўз зиммасига олган суғурта мажбуриятларининг (агрокластерлар билан тузилган шартномалар ҳажмининг) қонуний белгиланган фоизидан кам бўлмаслиги шарт.

2. Ўзбекистон суғурта компаниялари учун молиявий коэффициентлар тизими. Агрокластерларни (пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик кластерларини) суғурталаш юқори рискли (катастрофик рисклар - қурғоқчилик, сел, совуқ уриши) ҳисобланган учун компаниянинг 3 та асосий баланс ҳисоботи кўрсаткичи таҳлил қилинади:

a) Ликвидлик ва тўлов қобилияти коэффициентлари. Суғурта ҳодисаси юз берганда (масалан, кластер ҳосилини дўл уриши натижасида йирик зарар етганда) компания тўловни тезкор амалга ошира олиши учун:

$$К = \frac{\text{Тезкор активлар (Пул маблағлари + Қисқа муддатли инвестициялар)}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар (Кутилаётган тўловлар захираси)}}$$

Бу ерда К Жорий ликвидлик коэффициенти ҳисобланиб, Ўзбекистон амалиёти учун меъёр: $К \geq 1{,}2$ бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар кўрсаткич 1,0 дан паст бўлса, компания кластер олдидаги мажбуриятини бажаришда қийинчиликка учрайди.

b) Зарарлилик ва Операцион Самарадорлик (Сомбинед Ратио). Компаниянинг соф иқтисодий ҳолатини баҳоловчи энг муҳим коэффициент.

$$KK = \frac{AOST}{YSSM} + \frac{OX}{YSSM}$$

Юқоридаги формулада КК Комбинацияланган коэффициент бўлиб, = Амалга оширилган суғурта тўловлари (AOST) ni Йиғилган соф суғурта мукофотлари (YSSM)га нисбатини Операцион харажатлар (Андеррайтинг + Маъмурий) (OX)ни Йиғилган соф суғурта мукофотлари (YSSM)га нисбатига йиғиндисидан иборат бўлади.

Агар коэффициент < 100% бўлса, Компания андеррайтинг фаолиятидан (суғурта операцияларидан) фойда кўрмоқда.

Агар коэффициент > 100% бўлса, Компания зарар кўрмоқда ва буни инвестиция даромадлари ҳисобига ёпишга мажбур.

Блокчейннинг ўрни. Агар компания блокчейн ва смарт-шартномаларни қўлласа, ўнг томондаги “Операцион харажатлар” кескин камаяди (чунки далани бориб текшириш, қоғозбозлик харажатлари деярли қолмайди).

Ўзбекистондаги анъанавий суғурта компаниялари (масалан, Apex Incurance, Uzbekinvest, Gross, Alfa Invest каби йирик брендлар ёки ихтисослашган

агросуғурталовчилар) ўз фаолиятига блокчейнни жорий этса, молиявий таҳлил услубиёти қуйидагича модернизация қилинади:

[Анъанавий ҳисоботлар (1, 2, 5-shakllar)] ⟶ [Смарт-контракт аудити (On-chain data)] ⟶ [Dinamik Solvency (Реал-вақт режимида баҳолаш)]

“On-chain” ликвидлик таҳлили. Компаниянинг захиралари анъанавий банк депозитларидан ташқари, блокчейн тармоғидаги ҳамёнларда (ёки токенизация қилинган активларда) қандай тақсимлангани реал вақт режимида текширилади.

Қайта суғурталаш (Reinsurance) улуши. Агро-рисклар жуда йирик бўлгани учун, ўзбек суғурталовчилари хавфнинг катта қисмини хорижга (андеррайтинг синфига қараб) қайта суғуртага беради. Блокчейн халқаро қайта суғурта компаниялари билан ҳисоб-китобларни миллий валюта конвертацияси чекловларисиз, ақлли шартномалар орқали сонияларда бажариш имконини беради. Бу эса компаниянинг “Соф риск ҳошияси”ни (Net Retention Ratio) аниқ ҳисоблашга ёрдам беради.

Суғурта ташкилотлари йилдан йилга ривожланмоқда. Жумладан, Юз.уз сайтининг 2022 йил 2 Мартда берган ахборотига таяниб шуни айтишимиз мумкинки, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан янги таҳрирда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида 2021 йил якуни бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми Республика ялпи ички маҳсулотнинг 0,5 фоизини ташкил этиб, аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари ўрта ҳисобда 105,8 минг сўмдан (9,8 АҚШ долл.) тўғри келган [1]. 2021 йил якунига кўра Ўзбекистонда жами 42 та (34 умумий, 8 ҳаёт) суғурта компанияси мавжуд бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг расмий напп.уз сайти маълумотларига кўра 33 тани ташкил этади. Уларнинг 28 таси – умумий суғурта ва 5 таси – ҳаёт суғуртаси соҳаларида фаолият олиб бормоқда [2]. Агрокластер фаолиятини суғурталовчи суғурта ташкилотлари эса 3 тани ташкил этади. Булар “APEX INSURANCE”, “O‘zagrosug‘urta” va “SEMURG INSURANCE” суғурта ташкилотларидир.

1 – жадвал.

Ўзбекистон суғурта бозорининг молиявий кўрсатгичлари

Кўрсаткич	**2024-йил якуни**
Суғурта шартномалари сони	~10,000,000 дона
Суғурта мукофотлари (премиялар)	9.8 трлн сўм
Суғурта тўловлари (паёутс)	2.2 трлн сўм
Суғурта компаниялари активлари	11.8 трлн сўм
Мурожаатлар кўриб чиқилган	4,648 та
Мурожаатлар қаноатлантирилган	2,193 та

Тўланган товонлар (мурожаатлар бўйича)	34.6 млрд сўм
Суғурта бозорига инвестициялар	~6.5 трлн сўм
Суғурта компаниялари сони	33 та

2024 йил охирида Ўзбекистон суғурта бозори жадал ўсишда давом этди: бозор ҳажми ~9,8 трлн сўмга етди, бу 2023 йилга нисбатан +21 % ўсишни англатади. Бунда нон-лифе суғурта сегменти бозорнинг йирик қисмини ташкил этади, ҳаёт суғуртаси эса кичик – лекин сезиларли ўзгарди. Компаниялар сони камайган бўлсада, активлар ва инвестициялар ҳажми ўсишда давом этди.

Қуйидаги жадвалда 2025 йил ярмига (1-январь – 30-июнь) кўра Ўзбекистон суғурта бозорининг молиявий кўрсаткичлари келтирилган. Ушбу маълумотлар асосан Марказий банкнинг I йиллик молиявий барқарорлик ҳисоботига ва Фитч Ратингсънинг таҳлилларига асосланган.

2 – жадвал.

Ўзбекистон суғурта бозорининг молиявий кўрсатгичлари

Кўрсаткич	2024 якуни	2025 I-ярим йиллик (тахмин)
Non-life GWP	9 484 млрд сўм (+23 %)	Ўсиш давом этмоқда
Суғурта тўловлар нисбати	44 %	Барқарор сақланмоқда
Ҳаёт суғуртаси бўлими улуши	2 %	1–3 % атрофида
Қайта суғурта мукофотлари	2 735 млрд сўм (+30 %)	Бозорнинг ~28 % қисмини ташкил қилади
Молиявий риск суғуртаси	3 баробар ўсиш	Ривожланиш давом этмоқда
Активлар таркиби	Асосан депозит/облигация	Диверсификация зарур

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025-йилнинг январь-май ойларида суғурта хизматлари ҳажми 2024-йилнинг январь-май ойларига нисбатан 1,1 триллион сўмга ошиб, 4,5 триллион сўмни ташкил қилди. Суғурта хизматлари ҳажмида энг катта улушни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, автотранспорт воситалари ва бошқа транспорт турларини суғурталаш, юк ва мулкни суғурталаш ва бошқалар эгаллади. Уларнинг умумий улуши 88,1% ни ташкил этди. 2025 йилнинг январь-май ойларида ҳаётни суғурталаш хизматлари улуши 6,4 фоизни, қайта суғурталаш хизматлари 5,5 фоизни ташкил этди [3].

Адабиётлар рўйхати:

1. O‘smonjonov M.O‘. Agroklaster faoliyati tashkil etilishining nazariy asoslari. “Yashil iqtisodiy islohotlar doirasida oziq – ovqat xavfsizligini ta’minlash: institutsional,

agroinnovatsion, va ekologik yondoshuvlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy – amaliy anjuman maqolalar to’plami. 22 – 23 may 2026 – yil. 694 – 696 b.

2. O‘smonjonov M.O‘. Sug‘urta tashkilotlarida buxgateriya hisobini blokcheyn texnologiyalari asosida takomillashtirish.// International scientific-online conference: Netherlands intellectual education technological solutions and innovative digital tools. 3 – dekabr 2025. 112 – 116 b. https://interoncof.com/index.php/nether/article/view/16355

3. https://yuz.uz/uz/news/bugungi-kunda-ozbekistonda-qancha-sugurta-kompaniyasi-bor

4. https://napp.uz/oz/category/ochiq-ma-lumotlar?page=2

5. https://stat.uz/en/press-center/news-of-committee/62637-o-zbekistonda-sug-urtaning-qaysi-turi-ko-proq-qo-llaniladi-3